

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА

МИГРАЦИЯ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ШАРТНОМА

МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШНИНГ

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ



Луқмонжон ИСОҚОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Марказ бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент

Аннотация: мазкур мақолада Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришишнинг долзарб муаммолари ҳақида сўз боради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришиш бўйича 2024–2030 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасининг ишлаб чиқилиши зарурати тавсифланган.

Таянч сўзлар: глобал шартнома, инсон ҳуқуқлари, миграция, мигрантлар, ноқонуний миграция, одам савдоси, халқаро ҳуқуқ, давлат қонунчилиги, миллий ҳаракатлар режаси, ҳимоя.

Актуальные проблемы достижения целей Глобального договора о миграции в государственном управлении

Лукмонжон Исоков,
начальник Центра Правоохранительной
академии Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, доцент

Аннотация: в данной статье рассматриваются актуальные проблемы достижения целей Глобального договора о безопасной, упорядоченной и легальной миграции. Также описана необходимость разработки

Национального плана действий на 2024–2030 годы для достижения целей Глобального договора по миграции в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: глобальный договор, права человека, миграция, мигранты, нелегальная миграция, торговля людьми, международное право, цель, национальный план действий, защита.

The current problems of achieving the goals of the Global Compact for Migration in the public administration

Lukhmonjon Isokov,
head of the Center of the Law Enforcement
Academy of Uzbekistan, DSc (in Law),
Associate professor

Abstract: this article discusses the current problems of achieving the goals of the Global Compact for Safe, Orderly and Regular Migration. It also describes the need to develop a National Action Plan for 2024–2030 to achieve the goals of the Global Compact on Migration in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: global compact, human rights, migration, migrants, illegal migration, human trafficking, international law, goal, national action plan, protection.

Бугунги глобал даврда инсоният тарихида ниҳоятда кўп сонли кишиларнинг кутилмаган даражада бир жойдан иккинчи жойга кўчиши кузатилаётгани туфайли миграция билан боғлиқ масалалар дунёнинг аксарият давлатлари, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ғоят долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2018 йил 19 декабрдаги 73/195-сонли резолюцияси билан маъқулланган Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартномани (бундан буён *Миграция бўйича глобал шартнома* деб юритилади) қўллаб-қувватлади.

Миграция бўйича глобал шартнома халқаро миграциянинг барча жиҳатларини яхлит ва тўлиқ қамраб олган биринчи ҳукуматлараро келишув бўлиб, мигрантларнинг ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, таъминлаш ва ҳимоя қилишга хизмат қиладиган 10 та принципга асосланади.

Миграция бўйича глобал шартнома инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуққа асосланиб, давлатлар томонидан барча мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбуриятини тасдиқлайди. Миграция бўйича глобал шартнома Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тўққизта асосий халқаро шартномаларнинг ҳар биридаги қоидаларга таяниб, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги раҳбарий принциплардан иборат. Миграция даврининг ҳар қандай босқичида миграцион мақомидан қатъи назар камситишларнинг барча шакллари, хусусан, ирқчилик, ксенофобия ва мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан мурасизликка барҳам бериш, барча мигрантларни регрессияга йўл қўймаслик, камситмаслик, уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш каби принциплар шулар жумласига кирилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари 2015 йилдан 2030 йилгача бўлган халқаро ҳамкорлик бўйича мақсадлар тўплами ҳисоб-

ланади. Чекланган ресурслардан мақбул фойдаланиш ва экологик тоза технологиялардан фойдаланиш, ижтимоий ва маданий тизимлар барқарорлигини сақлаш, биологик ва жисмоний табиий тизимларнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўришни назарда тутувчи “Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби” деб номланган ушбу ҳужжат 17 та глобал мақсадни ва 169 та тегишли вазифаларни ўз ичига олади. Барқарор ривожланиш мақсадларининг 11 та мақсад таркибида келтирилган 22 та вазифа мигрантлар масаласига қаратилган [1].

Ушбу принциплар Миграция бўйича глобал шартноманинг 23 та мақсадида акс этирилган ва уни имзолаган давлатлар томонидан Миллий ҳаракатлар режаси орқали доимий равишда амалга оширилади.

Миграция бўйича глобал шартноманинг 53-бандида барча аъзо давлатларга Миграция бўйича глобал шартномани амалга ошириш учун кенг қамровли вазифалардан иборат бўлган миллий дастурларни имкон қадар тезроқ ишлаб чиқиш ва миллий даражада эришилган ютуқларни мунтазам равишда ҳар томонлама баҳолаган ҳолда, жумладан, амалга оширишнинг миллий дастурини ихтиёрий тайёрлаш ва фойдаланиш орқали таҳлил қилиш тавсия этилган. Бундай таҳлилий ҳисоботлар барча тегишли субъектлар, шунингдек, парламент аъзолари ва маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг фикрларини инобатга олган ҳолда тайёрланиши ҳамда Халқаро миграция муаммоларини кўриб чиқиш бўйича форум ишида иштирок этувчи аъзо давлатларни самарали хабардор қилишга хизмат қилиши лозим. Бу каби ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда қуйидаги жиҳатларни алоҳида ҳисобга олиш лозимлиги тавсия этилган [2]:

- инсон манфаатларини юқори қўйиш, гендер жиҳатларини ҳисобга олиш, болалар ва ногиронларни эътибордан четда қолдирмаслик;

- миграцион мақомидан қатъи назар барча мигрантларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;

- аёл мигрантлар ва мигрант болалар ҳуқуқларини инобатга олувчи миллий миграция сиёсати ҳамда қонунчилигини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистон учун 2021–2025 йилларда Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича ҳамкорлик дастурида гендер стратегияси доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали меҳнат мигрантлари бўлган хотин-қизлар ва эркаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш кўзда тутилган [3].

Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги 100 та мақсаддан 86-мақсади [4] ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги 100 та мақсаддан 95-мақсади [5] айнан Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритишга бағишланган бўлиб, уни амалга оширишга оид давлат дастурларида Миграция бўйича глобал шартноманинг 16 та – 1-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-, 12-, 14-, 15-, 18-, 19- ва 21-мақсадлари тўлиқ қамраб олинган [6].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига Ўзбекистон Республикасида эришиш бўйича 2024-2030 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасининг (бундан буён *Миллий ҳаракатлар режаси* деб юритилади) ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши айтиш мумкин бўлади. Зеро, бу давлат органлари, ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш асосида Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришиш учун зарур шарт-шароит ва механизмларни яратишни таъминлашга қаратилган ҳужжат бўлиши лозим.

Миллий ҳаракатлар режаси Миграция бўйича глобал шартноманинг принциплари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларига асосланиши керак.

Бинобарин, Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасида Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришиш чораларини кўриш имконини беради.

Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга зарурат Ўзбекистон Республикасида миграция соҳасидаги жорий ҳолат билан тавсифланади. Ушбу ҳолат қуйидаги жиҳатлари билан алоҳида эътиборга моликдир.

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2023 йил 1 апрель ҳолатига 36 197 781 кишини ташкил этган [7]. Аҳоли сонининг йиллик ўсиши ўртача 2 фоиз ёки 667,1 минг нафарга тенг бўлиб, ҳар йили 600-700 минг кишининг меҳнат бозорига кириб бориши мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш билан бир қаторда янги иш ўринларни яратиш учун демографик босим ўтказилади. Ушбу вазиятда меҳнат миграцияси Ўзбекистоннинг ишсиз фуқароларини бандлигини таъминлаш учун зарур ҳисобланади.

Шу билан бирга, 2022 йилда Ўзбекистонга кўчиб келганлар сони жами 214821 нафар бўлса, шулардан 85564 нафари – эркак, 129257 нафари аёлларни ташкил қилган. Худди шу давр ичида Ўзбекистондан кўчиб кетганлар сони жами 221319 нафар бўлса, шулардан 88500 нафари – эркак, 132819 нафари аёлларни ташкил қилган [8]. 2023 йил 1-чорагида жами кўчиб келганлар сони 51,5 минг кишини ташкил этган, шундан эркаклар сони 21,3 минг кишини, аёллар сони 30,2 минг киши, кўчиб келганлар сони шаҳар жойларида 44,7 минг кишини, қишлоқ жойларида 6,8 минг кишини ташкил этган. Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 30,3 фоиз), Қозоғистон Республикаси (25,9 фоиз), Тожикистон Республикаси (17,7 фоиз), Қирғиз Республикаси (6,2 фоиз), Украина Республикаси (1,2 фоиз) ва бошқа мамлакатлар (18,7 фоиз) ҳиссасига тўғри келади. Худди шу давр ичида кўчиб кетганлар сони 54,6 минг кишини таш-

кил этган, шундан эркаклар сони 22,9 минг кишини, аёллар сони 31,7 минг киши, кўчиб кетганлар сони шаҳар жойларида 45,5 минг кишини, қишлоқ жойларида 9,1 минг кишини ташкил этган [9].

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг 1,5 миллиондан ортиқ фуқаролари ташқи меҳнат миграциясида бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада мигрантларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ҳамда тамойиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг, халқаро шартномаларига мувофиқ хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция учун зарурий шарт-шароитларни яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида"ги 692-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги, "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мигрантлар ҳуқуқларини тартибга солувчи миллий қонунчилик:

- мигрантларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш;

- бандлик масалалари;

- жисмоний тарбия, спорт ва дам олиш;

- ижтимоий объектлар ва хизматлар, транспорт, алоқа ва ахборот воситаларидан фойдаланиш;

- одил судлов;

- давлат ва жамоат ишларида иштирок этиш;

- миграция соҳасидаги қонунчилиكنи бузганлик учун жавобгарлик каби нормалардан ташкил топган.

Сўнгги йилларда қонуний асосда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун меҳнат мигрантларини жўнатиш тартибини такомиллаштириш, бир қатор мамлакатлар билан халқаро шартномаларни қабул қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шунингдек, миграцияни бошқариш бўйича самарали тизим яратилиб, ушбу соҳага доир қонун ҳужжатлари ва институционал асослар такомиллаштирилди. Мигрантларни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, ижтимоий таъминот ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари кўрилди. Ўзбекистон Миграция бўйича глобал шартномани миллий даражада жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида минтақада биринчи бўлиб ахборот тақдим этди.

Шунга қарамай, меҳнат мигрантлари кўпинча ўзларининг меҳнат фаолиятини ижтимоий муҳофаза қилиш ва мигрантларнинг қонуний ҳуқуқлари доирасидан ташқарида олиб борадиган, ҳимоясиз ҳолатда бўлган ва камситишларга дучор бўлган хориждаги Ўзбекистон фуқароларининг ноқонуний меҳнат миграцияси масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ноқонуний ташқи меҳнат миграцияси мигрантларнинг одам савдоси тармоқларига кириш, экстремистик ва террористик ташкилотларга ёлланиш хавфини кучайтирмоқда, уларнинг гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқа уюшган жиноятчилик турларига алоқадорлиги республиканинг халқаро имижига салбий таъсир кўрсатмоқда, давлат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шу билан бирга, хорижий капитал иштирокида мамлакатни ижтимоий-иқти-

содий ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши, юқори малакали мутахассис сифатида чет эл фуқароларининг республикага миграция оқимларини кўпайтирди.

Пандемияга қадар Ўзбекистоннинг 3,5 миллионга яқин фуқароси бошқа мамлакатларга, асосан Россия ва Қозоғистонга чиқиб кетган. Ушбу мигрантлар карантин ва ҳаракатланиш чекловлари қўйилган ҳолда уйлари (ялпи ички маҳсулотнинг 5-12 фоизгача) пул ўтказмаларини юборган бўлсалар-да, миграция бўйича тахминлар 2020 йил апрелга қадар деярли барҳам топган. Пул ўтказмалари оладиган уй хўжаликларининг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54 фоизга камайган. Кейинчалик узоқ муддатли истиқболда қонуний миграция вариантларининг қисқариши тартибсиз миграция ва одам савдоси хавфини ошириши мумкин, бу эса ижтимоий-иқтисодий заифликларни янада кучайтиради [10].

Ўзбекистон Республикасининг миграция соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, принциплари, мақсад ва вазифалари қонуний жиҳатдан мустақамланмаганлиги ноқонуний миграция, одам савдоси, демографик инқирознинг кучайиши, малакали ишчи кучининг чиқиб кетиши каби давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳодисаларга қарши курашиш самарадорлигига салбий таъсир этмоқда.

Мигрантлар миқдори ва сифати бўйича ҳаққоний маълумотларнинг мавжуд эмаслиги уларнинг истиқболлини белгилаш имконини бермайди ва салбий сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Орол денгизи минтақаси ва республиканинг бир қатор минтақаларида экологик вазиятнинг ёмонлашуви мамлакатнинг янада қулай ҳудудларига одамларнинг тартибсиз жойлашишига ёрдам беради. Ушбу омил иш ўринларининг етишмаслигини келтириб чиқаради, аҳоли зичлиги юқори бўлган вилоят ва шаҳарларда ишсизлик даражасини оширади ҳамда шаҳарларнинг уй-жой фондига қийинчиликлар туғдиради.

Жаҳон банки прогнозига кўра, 2050 йилга келиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда 5,1 миллионгача экологик мигрантлар пайдо бўлиши мумкин, улардан деярли ярми – 2,4 миллион нафари Марказий Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Фарғона водийси, Тошкент атрофлари ва Тожикистон жанубининг пасттекисликлари, шунингдек, Қозоғистон шимолидаги аҳоли зич жойлашган шаҳарлар экологик мигрантлар оқими келадиган зонага айланиши мумкин. Бу мазкур ҳудудлардаги сув таъминоти ва экинлар ҳосилдорлиги билан изоҳланади. Қозоғистон жануби, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг Фарғона водийсига туташ ҳудудлари, шунингдек, Бишкек атрофидаги ҳудудларда сув таъминоти ва экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши сабабли Шарқий Туркменистон ва Ўзбекистон жанубининг Амударё бўйида жойлашган ҳудудлари экологик мигрантлар учун потенциал чиқиб кетиш ўчоғига айланиш эҳтимоли мавжуд [11].

Ташқи ва ички миграциянинг гендер жиҳатлари, унинг хотин-қизлар ҳамда эркакларга, уларнинг оиласи, фарзандларига таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаяпти, мазкур соҳада аҳоли учун яратилган имкониятлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари лозим даражада ташкил қилинмаяпти [12].

Ҳозирги кунда миграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тизими етарли даражада самарали эмас. Мамлакатда миграция жараёнларини назорат қилишнинг институционал асослари мавжудлигига қарамай, миграция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, фаолиятни мувофиқлаштириш, миграция жараёнларини барқарорлаштириш ва тартибга солиш учун масъул бўлган ягона тузилма мавжуд эмас [13].

Ўзбекистонда миграция масалалари у ёки бу даражада бир неча вазирлик, идоралар, хусусан, ички ишлар, ташқи ишлар, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, давлат хавфсизлик хизмати (чегара қўшинлари) томонидан ҳал қилинади. Бироқ мигра-

ция сиёсати субъектларининг фаолиятидаги функциялар такрорланишига йўл қўйилмоқда. Шунингдек, ўзаро идоралараро ҳамкорлик даражаси қониқарли, деб бўлмайди. Шу муносабат билан миграция сиёсатини тизимлаштириш ва мувофиқлаштиришга алоҳида зарурат сезилмоқда.

Мигрантлар маҳаллий фуқаролар билан бир хил мақомга эга эмас, уларнинг таълим олиш ҳуқуқида муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида уларни грант асосида ўқиш кафолатларининг аниқ механизмлари ноаниқлигича қолган [14].

Миграция соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш зарурати қуйидаги сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқдир:

- Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бозорига интеграциялашуви;
- мамлакат иқтисодий фаол аҳолисининг тобора кўпайиб бориши;
- мамлакатдан, асосан, меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳоли қатлами, шунингдек, юқори малакали мутахассисларнинг чиқиб кетиши ва "ақл кўчиши" юзага келаётганлиги;
- ноқонуний меҳнат миграцияси оқибатида инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва одам савдосидан жабрланаётганлиги;
- миграцияга доир миллий қонунчиликнинг замонавий талабларга номувофиқлиги;
- инфратузилманинг нисбатан кам ривожланганлиги ва ишсизлик масаласи;
- миграция сиёсатини амалга ошириш учун давлат органларининг кадрлар ва моддий-техник таъминотининг етарли эмаслиги;
- арзон ишчи кучини жалб қилишга қаратилган хорижий давлатларнинг фаол иммиграция сиёсати ва ҳоказо.

Шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги 100 та мақсад Миграция бўйича глобал шартноманинг 23 тадан фақатгина 16 та мақсадини қамраб олган бўлса-да, қолган 2-, 13-, 16-, 17-, 20-, 22- ва 23-мақсадларига эришиш учун муайян режалар тузиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур омиллар замонавий миграцион вазиятни шакллантирувчи ноқулай тенденцияларнинг янада кучайиши ва чуқурлашувига олиб келади. Шу туфайли унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда Миграция бўйича глобал шартноманинг мақсадларига эришиш учун янги миллий стратегиялар, дастурлар, режалар, ёндашувлар ва механизмларни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу муносабат билан, ишлаб чиқиладиган Миллий ҳаракатлар режасининг **асо-сий мақсади** хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиши ҳамда ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифаларни** ҳал қилиш кўзда тутилиши лозим:

- мигрантлар ҳуқуқларига доир норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва ривожлантириш;
 - мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ташкилий-институционал жиҳатларини такомиллаштириш;
 - мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш;
 - мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ахборот-маърифий ишларни жадаллаштириш;
 - мигрантлар ҳуқуқларининг бузилишини мониторинг қилиш;
 - мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.
- Ушбу мақсадга эришишда Миграция бўйича глобал шартноманинг қуйидаги **асо-сий принциплари** эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:
- инсон манфаатларига йўналтирилганлик;
 - халқаро ҳамкорлик;
 - миллий суверенитет;
 - ҳуқуқ устуворлиги ва ҳуқуқий тартиб-таомилларга риоя қилиш;
 - барқарор ривожланиш;
 - инсон ҳуқуқлари;
 - гендер жиҳатларини инобатга олиш;
 - болалар манфаатларини инобатга олиш;

- барча давлат тузилмаларини жалб қилиш;

- бутун жамиятни жалб қилиш.

Шу билан бирга, Миллий ҳаракатлар режасининг устувор йўналишлари ва вазифалари давлат стратегиялари, ривожлантириш дастурлари, уларни амалга ошириш режасига, шунингдек, бошқа соҳаларни такомиллаштиришга доир дастурий ҳужжатларга интеграциялаштирилади.

Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш учун барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, халқаро ташкилотлар, хусусий сектор ҳамда аҳоли жалб қилинади.

Миллий ҳаракатлар режаси "йўл харитаси"да белгиланган механизмлар орқали ва муддатларда амалга оширилади.

Миллий ҳаракатлар режасини самарали амалга ошириш натижасида 2030 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасида Миграция бўйича глобал шартнома мақсадларига эришиш, хусусан, хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияни самарали ташкил этиш имконини беради ҳамда қуйидагиларга кўмаклашади:

- Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги ва давлат хавфсизлиги даражасини ошириш;

- миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини самарали режалаштириш учун миграция жараёнларини тартибга солиш орқали аҳоли сони, унинг бандлиги ва ижтимоий таъминланганлигини аниқлаш;

- миграция жараёнларининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш;

- одам савдосини ва назорат қилинмайдиган миграция оқимларининг олдини олиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини камайтириш;

- мамлакатда қонуний асосда бўлиб турган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон жамиятига интеграциясини таъминлаш;

- юқори малакали мутахассисларнинг чет давлатга кетишини камайтириш, иқтисодий фаол аҳоли сонини ошириш ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш натижасида мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини кадрлар билан таъминлаш сифатини яхшилаш;

- аҳоли зич жойлашган ва аҳолиси кам бўлган ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликни тенглаштириш, йирик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган шаҳарлардан демографик юкни камайтириш;

- миграция ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро имижини мустаҳкамлаш.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифалари: 1.3; 2.1; 3.8; 4.1-5; 5.2; 6.1-2; 8.7-8; 10.с, 10.2, 10.3, 10.7, 13.1-2; 16.2-3; 17.18. Батафсил қаранг: <https://migrationnetwork.un.org/fr/statements/unlocking-positive-impact-migration-sustainable-development-recover-better-faster-and>
2. БМТ Бош Ассамблеясининг 2022 йил 7 июндаги резолюцияси билан қабул қилинган (A/RES/76/266).
3. Рамочная программа сотрудничества ООН в Целях устойчивого развития на период 2021-2025 гг. для Узбекистана. Подписан: 24 сентября, 2020. – С.62. (<https://uzbekistan.un.org/ru/94416-рамочная-программа-сотрудничества-оон-в-целях-устойчивого-развития-на-2021-2025-годы-для>)
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>
5. <https://lex.uz/pdfs/6600413>
6. Добровольный национальный отчет о внедрении ГДМ (Глобальный договор о безопасной, упорядоченной и легальной миграции) в Узбекистане. https://www.un.org/sites/un2.un.org/files/imrf-uzbekistan_russian.pdf
7. <https://www.gov.uz/uz/pages/population>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайти: https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=401&id=2736&Itemid=1000000000000
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий сайти: https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=412&id=2797&Itemid=1000000000000
10. Birlashgan Millatlar Tashkiloti yangilangan umumiy mamlakat tahlili: O'zbekiston. BMTning mamlakatdagi jamoasi. – Toshkent, 2021. – 29 b.
11. Clement, Viviane; Rigaud, Kanta Kumari; de Sherbinin, Alex; Jones, Bryan; Adamo, Susana; Schewe, Jacob; Sadiq, Nian; Shabahat, Elham. 2021. Groundswell Part 2: Acting on Internal Climate Migration. World Bank, Washington, DC. <http://hdl.handle.net/10986/36248>
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сонли қарори билан тасдиқланган “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”. // <https://lex.uz/ru/docs/5466673>
13. Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифалари: 1.3; 2.1; 3.8; 4.1-5; 5.2; 6.1-2; 8.7-8; 10.с, 10.2, 10.3, 10.7, 13.1-2; 16.2-3; 17.18. Батафсил қаранг: <https://migrationnetwork.un.org/fr/statements/unlocking-positive-impact-migration-sustainable-development-recover-better-faster-and>
14. International Organization for Migration (IOM), 2022. Migration Governance Indicators Profile 2022 – Republic of Uzbekistan. IOM, Geneva, 2022. – P. 13.